

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 150

Вобкент тумани

«17» Ноябрь 2022 йил

"UBAYD BOBO-ISMAT BOBO QURUVCHI" МСНҲ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устав асосида иш юритувчи раҳбари А.Тошов номидан, бир томондан ва Вобкент қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежи, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устав асосида иш юритувчи бошлиғи Н.Жураев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	материал номи	ўл бир	сони	нархи	суммаси
1	Ковер (Палос)	Кв,м	700	166900	116830000
	жами:-				116830000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: **«30» Ноябрь 2022 йилгача**

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **116830000 (Бир юз ун олти миллион саккиз юз ўттиз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **35049000** сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг **Ноябрь** ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **81781000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг **2022 йил 31 Ноябрь** амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Ҳазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда **2022 йил «31» декабрь**гача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2018 йил 27 сентябрдаги ПК-3953 сонли [Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида](#) Қарори** Ўзбекистон Республикасининг **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли [“Давлат харидлари тўғрисида” Қонуни](#)** ва 2014 йил 1 январдан 122 модда Ўзбекистон республикасининг Бюджет кодекс ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қондалари 2016 йил 22 декабрьда 2850-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Пешку туман Хўжалик судида хал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

"UBAYD BOVO-ISMAT BOVO QURUVCHI" MCHJ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Шофирикон тумани

Тел./факс: 997040372

х/в: 20208000105448632001

Банк номи: БУХОРО Ш., ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK" АТБ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

МФО: 01107 СТИР: 308949710

Рахбар:



[Handwritten signature]

(МЗО)

«БУЮРТМАЧИ»

Вобкент курилиш ва транспорт касб-хунар коллежи
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил, Бухарская область, Вабкентский район,
Вобкент тумани, С.Ярашев кўчаси 55/1-уй 200300

Тел./факс: 33-23-488

ш/хв*: 100010860062127092901079001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 206728199

ОКОНХ:

Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро шаҳар
бўйича Газначилик бўлинмаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:



(Ф.И.Ш)

[Handwritten signature]
Н.Жураев

[Handwritten signature]
Ш. А. Тухтаев